

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

АХМЕДОВ ҒАЙРАТ КЕЛДИБАЕВИЧ

**ГАСТРОЭЗОФАГЕАЛ РЕФЛЮКС КАСАЛЛИГИДА ҚИЗИЛЎНГАЧ
ПАТОЛОГИК ҲОЛАТЛАРИНИ ХИРУРГИК ДАВО
ТАКТИКАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Ахмедов Гайрат Келдибаевич

Гастроэзофагеал рефлюкс касаллигида қизилўнгач патологик
ҳолатларини хирургик даво тактикаларини такомиллаштириш 3

Ахмедов Гайрат Келдибаевич

Совершенствование тактики хирургического лечения патологических
состояний пищевода при гастроэзофагеальной рефлюксной болезни..... 23

Ahmedov Gayrat Keldibaevich

Improvement of tactics of surgical treatment of pathological conditions of
the esophagus in gastroesophageal reflux disease 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 52

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

АХМЕДОВ ҒАЙРАТ КЕЛДИБАЕВИЧ

**ГАСТРОЭЗОФАГЕАЛ РЕФЛЮКС КАСАЛЛИГИДА ҚИЗИЛЎНГАЧ
ПАТОЛОГИК ҲОЛАТЛАРИНИ ХИРУРГИК ДАВО
ТАКТИКАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1967 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гуламов Олимжон Мирзахитович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ибадов Равшан Алиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хакимов Мурод Шавкатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббий маркази

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йули 10-ўй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (168-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йули 10-ўй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.А. Ибадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси муовини,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Европа ва Шимолий Америка давлатларида доимий равишда олиб бориладиган тадқиқотларга кўра, аҳолининг 42 фоизида гастрозофагеал рефлюкс касаллигининг белгилари аниқланади, уларнинг 25-32 фоизи медикаментоз терапияга мухтож бўлса, 10-15 фоизига хирургик амалиёти лозим. Адабиётларда эндоскопик текширув натижаларига асосланган таснифлардан энг кўп қўлланиладиганлари Savary-Miller бўйича ва Лос-Анжелес классификациялари ҳисобланади. Бир қатор муаллифлар томонидан олинган маълумотларга кўра, шиллик қаватнинг цилиндр хужайрали метаплазияси аденоген саратонга айланади. «Унинг ривожланиши ва ёмон сифатли ўсма жараёнига ўтишининг туртки механизми гастрозофагеал рефлюкс, яъни меъда таркибий суюқликларининг қизилўнгачга қайтиши ҳисобланади. Аҳоли орасида Барретт қизилўнгачи аниқланишининг частотаси ўртача 2,4% дан 4% гачани ташкил қилади»¹. Кислота секрециясини ингибирловчи дори воситалари, асосан, рефлюкс-эзофагитни даволаш муаммосини ҳал қилишга ёрдам берди. Аммо, гастрозофагеал рефлюкс касаллигининг симптомларини бартараф этишга қаратилган медикаментоз терапия беморларнинг тахминан 30 фоизида барқарор узок муддатли самарага эришишга имкон бермайди ва асоратлар ривожланишига тўсқинлик қила олмайди. Тарқалиши ва сурункали кечиши туфайли «гастрозофагеал рефлюкс касаллиги шифокорлар ҳузурига ташриф, ташхисот, саратонни назорат қилиш баённомалари ва даволаш билан ўлчанадиган муҳим иқтисодий юк ҳисобланади»². Сўнгги ўн йилликларда тўпланган клиник тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ўта долзарб бўлган мазкур муаммони ҳал қилиш учун ушбу тоифадаги беморларни дифференциал даволашнинг мақбул тактикасини тизимлаштириш билан бирга диафрагма қизилўнгач тешиги чурраларини хирургик даволашни такомиллаштиришнинг янги усуллари ишлаб чиқиш лозим.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда қизилўнгач-меъда ўтиш соҳаси морфологиясини физиологик баҳолаш ва кўп маротаба тез-тез ютиниш ёки тезда ичиш билан ўтказилувчи провакацион синовлар бўйича кўп марказли тадқиқотлар, гастрозофагеал рефлюкс касаллиги ташхисини қўйиш ёки рад этиш, шунингдек, симптомлар индекси ёки симптомлар ассоциацияси эҳтимоллигидан фойдаланган ҳолда рефлюкс эпизоди билан симптомларни корреляция қилиш учун кислотанинг қизилўнгачга таъсирини баҳолашга имкон берувчи амбулатор рефлюксни мониторинги (рН ёки рН импеданси) бўйича тадқиқотлар энг долзарб бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг замонавий босқичида натижаларни яхшилашга ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини сезиларли даражада кенгайтиришга йўналтирилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, хусусан, диафрагманинг қизилўнгач тешиги чурралари билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини

¹ Маев И.В., Андреев Д.Н., Кучерявый Ю.А. Современные достижения в лечении гастроэзофагеальной рефлюксной болезни: фокус на эзофагопротекцию. Терапевтический архив. 2019;91(8): 4-11.

²Katz PO, Dunbar KB, Schnoll-Sussman FH, et al. ACG Clinical Guideline for the Diagnosis and Management of Gastroesophageal Reflux Disease. Am J Gastroenterol. 2022 Jan 1;117(1):27-56.

оширишда ижобий натижаларга эришилган. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган³. Ушбу вазифаларни, жумладан, гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг турли асоратлари бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш ҳамда жорий этиш орқали амалга ошириш долзарб йўналишлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 декабридаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5210-сон “Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги натижасида қизилўнгач шиллик қаватининг яллиғланиш жараёнлари ва ўсма олди касалликлари тўлиқ ўрганилмаган. Кўпгина муаллифларнинг фикрларига кўра, қизилўнгач шиллик қават дисплазиясининг аденокарциномага ўтиши частотаси 5.2-8% гача ташкил қилади. Гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг клиник кўринишлари ўзига хос шикоятларга асосланган бўлиб, уни ташхислаш қийинчилик туғдирмаслиги мумкин. Қизилўнгач шиллик қавати ўзгаришлари босқичларини аниқлаш учун инструментал текшириш усулларидан фойдаланиш лозим, лекин уларнинг турлари, қўлланилиш тартиби ҳали ҳам долзарб муаммодир. Қизилўнгач шиллик қаватининг ясси мугузланмайдиган эпителийсининг цилиндрсимон эпителийга ўтишида даволовчи гастроскопиядан фойдаланиш ҳали ҳам ечилмаган савол бўлиб турибди⁴. Ҳозирги замонда даволаш тизимида миниинвазив даво усулларини қўллаш “каминвазив даво” ғояларига мос келади. Натижада, қизилўнгач шиллик қаватидаги патологик ўзгаришларни аниқлаш ва беморларни даволашнинг кейинги тактикасини ҳал қилиш қизилўнгач-ошқозон бирикмасини текшириш усуллари даражасини ошириш муҳимлигини аниқлади. Юқорида айтилганларнинг барчаси қизилўнгач шиллик қаватининг ўзгаришлари билан

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги» Фармони.

⁴ Shaheen NJ, Falk GW, Iyer PG, Souza RF, Sauer BG, Wani S. Diagnosis and Management of Barrett's Esophagus: An Updated ACG Guideline. Am J Gastroenterol. 2022 Apr 1;117(4):559-587. doi: 10.14309/ajg.0000000000001680.

юзага келувчи гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги клиник кўринишларининг хилма-хиллигини кўрсатади. Келтирилган саволларнинг ечимини топиш бу ушбу категориядаги беморларнинг даво натижаларини самарадорлигини оширишга шароит яратади. Охирги маълумотларда келтирилишича, касалликнинг асосий аломати ҳисобланган жиғилдон қайнаши ривожланган мамлакатлар аҳолисининг тахминан 40 фоизида ойига камида 2-3 марта кузатилиши мумкинлиги аниқланган бўлса, 6-8%ида у ҳар куни ўзини намоён қилади, улардан 20-22% одамлар ушбу симптомларни бартараф этиш учун доридармонларни қабул қилишга мажбур. Бу рақамлар бизга гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги ва унинг асоратларини самарали даволаш нақадар долзарб муаммолигини кўрсатади (Америка гастроэнтеролог хирурглар уюшмаси ва Европа эндоскопик хирурглар ассоциацияси (EAES) 2019 й.)⁵. Кўплаб ижтимоий тавсияномалар, шунингдек, яқинда чоп этилган гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги бўйича Америка гастроэнтерологлар коллежи тавсияларига кўра, ҳозирги вақтда овқатланишдан 30-60 минут олдин протон помпа ингибиторларини қабул қилиш тавсия қилинади⁶. Кўплаб муаллифларнинг фикрига кўра, замонавий дори воситаларидан фойдаланиш ушбу патологияда вақтинчалик самара беради, шунинг учун асосий даволаш усули жарроҳлик усули бўлиб қолмоқда⁷.

Spechler S.J. ва ҳаммуаллифлар, симптомлар индекси (SI) ва симптомлар ассоциацияси эҳтимоллиги (SAP) ёрдамида симптомлар ва рефлюкс аломатлари ўртасидаги ўзаро алоқани баҳолади. Фишернинг аниқ тести рефлюкс ва симптомларнинг тасодифий тақсимланиши эҳтимоллигини р-қийматини аниқлаш учун амалга оширилади ва SAP ҳисобланган р-қийматни 1 дан айириш ва қолган қисмини 100%га кўпайтириш йўли билан аниқланади; SAP >95% ижобий ҳисобланади. Импеданс мониторинги кучсиз кислотали ва кислотасиз рефлюксни аниқлаб бериб, антирефлюкс операцияга кўрсатма бўлувчи рефлюксга юқори сезувчанлик билан оғриган беморларни аниқлашга ёрдам беради⁸. Бир нечта рандомизирланган клиник текширишларда кесмаларсиз бажариладиган трансорал фундопликация ва ноабляцияон радиочастоталар кўпроқ исботларга эга текширишлардан ҳисобланади. Сўнгги назоратсиз тадқиқотларда боғлаш усуллари, антирефлюкс мукозэктомия, шиллик қаватнинг антирефлюкс абляцияси ва пликация учун яратилган янги қурилмалар истиқболли натижаларни кўрсатди⁹. Рандомизацияланган текширишлар маълумотларига асосланиб, аниқ сараланган протон помпа ингибиторларидан фойдаланилганда, тахминан учдан икки ҳолатларда рефлюксга юқори

⁵Shaheen NJ, Falk GW, Iyer PG, Gerson LB; American College of Gastroenterology. ACG Clinical Guideline: Diagnosis and Management of Barrett's Esophagus. *Am J Gastroenterol.* 2019;111(1):30-50; quiz 51.

⁶Katz PO, Dunbar KB, Schnoll-Sussman FH, Greer KB, Yadlapati R, Spechler SJ. ACG clinical guideline for the diagnosis and management of gastroesophageal reflux disease. *Am J Gastroenterol* 2022;117:27-56.

⁷ Кайбышева В.О., Кашин С.В. и соавт. Пищевод Баррета: современное состояние проблемы // Доказательная гастроэнтерология. 2020, Т. 9, №4, с. 33-54.

⁸Spechler SJ, et al., Randomized Trial of Medical versus Surgical Treatment for Refractory Heartburn. *N Engl J Med*, 2019. 381(16): p. 1513–1523.

⁹Rodríguez de Santiago E, Albéniz E, Estremera-Arevalo F, Teruel Sanchez-Vegazo C. Endoscopic anti-reflux therapy for gastroesophageal reflux disease. *World J Gastroenterol.* 2021 Oct 21;27(39):6601-6614.

сезувчанликка ёки давомли кислотали рефлюксда антирефлюкс хирургия яхши таъсир қилади, лекин асоратлар ривожланишининг кичик хавфи ҳам мавжуд. Talley N.J. ва ҳаммуал. (2021) медикаментоз терапияга қарамасдан, муқобил усуллар йўқлигини инобатга олиб, хажмли персистик рефлюкс билан беморларда антирефлюкс хирургияни кўриб чиқишмоқда¹⁰. Организмнинг дори воситаларига сезгирлигининг пасайиши ва уларга нисбатан аллергия реакцияларнинг ривожланиши лазерли даволашни муқобил даво усулига олиб чиқди. Аргон-плазмали коагуляция электрохирургик амалиёт бўлиб, Барретт шиллик қаватининг дисплазиясини даволашда кенг қўлланилмоқда¹¹.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, замонавий диагностика ва даволаш усулларининг ривожланишига қарамай, гастроэзофагеал рефлюкс касаллигини жарроҳлик ва комплекс даволашнинг ягона тактикаси ҳали ишлаб чиқилмаган. Бу эрта ва узоқ натижаларнинг қониқарсизлиги, шунингдек касалликнинг тез-тез такрорланиши билан боғлиқдир. Шунинг учун бундай беморларда хирургик даво усулларини такомиллаштирувчи янги йўللарни ишлаб чиқиш лозим. Гастроэзофагеал рефлюкс касаллигини даволашда протон помпа ингибиторлари ва лазерларнинг яқуний ўрнини режалаштирилган ва рандомизацияланган клиник тадқиқотлар асосида аниқлаб олиш лозим.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» давлат муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АТСС-3.4 лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади каминвазив технологиялар ва лазерли нурлантиришни жорий этиш орқали қизилўнгачдаги патологик ўзгаришлар билан асоратланган гастроэзофагеал рефлюкс касаллигига чалинган беморларни ташхисот тактикаси ҳамда хирургик даволаш усулини танлашни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги билан оғриган беморларда қизилўнгач шиллик қаватидаги эрозив-яллиғланишли ўзгаришлар даражасини аниқлаш;

қизилўнгач шиллик қаватининг турли даражадаги эрозив-яллиғланишли ўзгаришларида эндоскопик визуализациянинг замонавий режимлари диагностик аҳамиятини баҳолаш;

тажрибада қизилўнгач шиллик қаватига ИҚ-диодли лазер нурлари таъсирининг морфологик хусусиятларини ўрганиш ва лазерли нурлантиришнинг оптимал кўрсаткичларини аниқлаш;

гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг эрозив-яллиғланишли асоратларини эндоскопик ва хирургик комплекс даволашда ИҚ-диодли лазерни

¹⁰Talley NJ, Zand Irani M. Optimal management of severe symptomatic gastroesophageal reflux disease. J Intern Med. 2021 Feb;289(2):162-178. doi: 10.1111/joim.13148.

¹¹Mueller J, Kayser G, Kuellmer A, Schiemer M, Bettinger D, Offensperger F, Thimme R, Schmidt A. ArgoCap - feasibility and safety of a novel over-the-scope device to facilitate endoscopic APC treatment. Minim Invasive Ther Allied Technol. 2023 Jun;32(3):103-111. doi: 10.1080/13645706.2023.2180322.

қўллаган ҳолда даволаш-ташхисот алгоритмини ишлаб чиқиш ҳамда клиник амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги туфайли “Академик В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ” давлат муассасасининг торакоабдоминал онкохирургия бўлимида даволанган беморлар ва поликлиника-диагностика бўлимларига ҳамда Самарқанд ШТБ нинг диагностика бўлимларига мурожаат қилган 154 нафар амбулатор беморлар, шунингдек, “Академик В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ” давлат муассасасининг Экспериментал хирургия бўлимида экспериментал ва морфологик тадқиқотлар ўтказилган тажрибавий ҳайвонлар (42 та зотсиз оқ каламушлар ва 3 та чўчкалар) олинган.

Тадқиқотнинг предмети гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг қизилўнгач шиллиқ қаватида эрозив ва диспластик асоратлари бўлган беморларда ИҚ-диодли лазер нурлантиришни қўллашни экспериментал ва морфологик асослаш, шунингдек даволашнинг стандарт ва комплекс усуллари натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, экспериментал, морфологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гастроэзофагеал рефлюкс асоратларини ташхислашда эндоскопик диагностиканинг максимал маълумот берувчи, саратон олди касаллиги ҳисобланувчи Барретт қизилўнгачини аниқлашни уч баробар ошириш имконини берувчи энг яхши режими аниқланган;

экспериментал ва морфологик тадқиқотлар орқали қизилўнгачнинг шиллиқ қаватига ИҚ-диодли лазерли таъсир кўрсатишнинг самарадорлиги тасдиқланган ҳамда шиллиқ қават регенерациясига ижобий таъсир қилиши ва битишини тезлаштириши исботланган;

қизилўнгачнинг шиллиқ қаватига лазер билан таъсир кўрсатишнинг гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг асоратлари бўлган беморларда айнан эрозив-диспластик ўзгаришларни нурлантириш мумкин бўлган, нурлантиришнинг атроф тўқималарга ножўя таъсирини бартараф этишга ҳамда амалиёт давомийлигини камайтиришга имкон берувчи эндоскопик интраэзофагеал усули ишлаб чиқилган;

қизилўнгач шиллиқ қаватининг патологик ўзгаришлари билан асоратланган гастроэзофагеал рефлюкс касаллигига чалинган беморларни ИҚ-диодли лазердан фойдаланган ҳолда эндоскопик ва хирургик комплекс даволашда асоратлар оғирлик даражаси ва сонини пасайтиришга имкон берган даволаш-ташхисот алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қизилўнгач шиллиқ қаватининг эрозив ва диспластик ўзгаришларини оптимал ташхислаш учун турли хил эндоскопик усулларнинг хромоскопия ёрдамидаги одатдаги режими ҳамда NBI-режими билан қиёсий баҳолаш ўтказилган;

морфологик тадқиқотлар асосида гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг асоратланган шакллари бўлган беморларда қизилўнгач шиллиқ қаватига таъсир кўрсатиш учун клиник амалиётга ИҚ-диодли лазерни тадбиқ қилиш бўйича тавсиялар таклиф этилган;

гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг асоратланган шакллари бўлган беморларда хирургик даволаш усулини танлашга дифференциал ёндашувни жорий этиш ушбу тоифадаги беморларни хирургик даволашнинг бевосита натижаларини яхшиланишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги замонавий, амалиётда кенг қўлланиладиган эндоскопик, рентгенологик, компьютер томографияси ва морфологик тадқиқот усулларидан фойдаланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулоса ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, эндоскопик режимларни оптималлаштириш ҳисобига гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги ва Барретт қизилўнгачи ташхисотига, шунингдек, яллиғланиш жараёнининг регрессини белгиловчи қизилўнгач шиллиқ қаватидаги морфологик ўзгаришларни ҳамда ИҚ-диодли лазер нурлари таъсирида тўқималардаги регенерация жараёнларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги билан оғриган беморларда хирургик аралашув усулини танлашга патогенетик ва дифференциал ёндашувни жорий қилиш ҳамда ИҚ-диодли лазер ёрдамида комплекс эндоскопик ва хирургик даволаш, даволашнинг бевосита натижаларини сезиларли даражада яхшилашга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» ДМ Эксперт кенгашининг 2023 йил 30 августдаги 2х/13-сон хулосасига кўра («Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ» ДМ томонидан илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига 2023 йил 29 августда 748-сонли хат юборилган):

гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг асоратларини ташхислашда максимал ахборот берувчи эндоскопик текшириш усулларининг энг яхши режими - тор спектрли (NBI) режим бўлиб, ишлатишнинг ихчамлиги, қўшимча дори воситалари ва асбоб-ускуна талаб қилмаслиги, шунингдек, қизилўнгачда хавфли онкологик касалликларга олиб келувчи Барретт қизилўнгачини эрта аниқлаш имкониятининг уч баробарга оширилиши катта аҳамиятга эга. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ бўйича буйруқ (29.08.2023й.; №747) билан марказ ва унинг ҳудудий филиаллари бўлимлари амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: эндоскопик текширишларнинг ўз вақтида, кўп ахборот берувчи ва самарали бўлиши натижасида кейинги мумкин бўлган асоратлар ва унинг натижасида

мажбурий кўшимча аралашувларни олди олинадди, айниқса, Баррет қизилўнгачи каби хавфли онкологик касалликларига ўтувчи патологияларни эрта аниқлаш 1,95% дан 6,49% га (уч баробарга) оширилди, натижада тўғри ва вақтида аниқланган патологияларнинг (айниқса, онкологик касалликларга олиб келувчи) умумий давосига ва кейинги даволаниш учун кетадиган иқтисодий харажатлар камайишига катта таъсир қилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: мазкур патологияларда эндоскопик текширув усулларида фойдаланиш ҳисобига: 1 нафар беморда қайта амалиёт ўтказишдан 203 400 сўм, шунингдек, биопсия олиш амалиёти бир вақтда бажарилса 133 300 сўм миқдорда харажатлар сарфланса, шунда умумий 336 700 сўм (“Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ прејскурантига кўра) сарфланади. Олиб борилган қайта эндоскопик аралашувлар даражаси тадқиқот даврида 12,5% дан 3,4% гача камайган, бу эса тадқиқот давридаги 58 нафар беморлар орасида қайта аралашувларни 5 нафардан 1 нафаргача камайишига олиб келди. Шундан келиб чиқиб 1 нафар бемордан 336 700 сўм иқтисод қилинса, бунда йиллик иқтисодий кўрсаткич 1 346 800 сўмни ташкил этади (4 нафар бемор учун). Хулоса: эндоскопик усулларида фойдаланишни амалиётга жорий қилиниши 1 йилда 1 346 800 сўмни (4 нафар бемор учун), шундан 444 444 сўм бюджет маблағларини, 902 356 сўм бюджетдан ташқари маблағларни иқтисод қилиш имконини берди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига «Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ» ДМ директори томонидан 29.08.2023 й.; №748 сонли хат юборилган;

қизилўнгач шиллик қаватидаги турли эрозив-яллиғланишли патологияларни эрта ва самарали даволаш мақсадида ИҚ-диодли лазерли нурларнинг таъсири турли тажриба ҳайвонларида ўрганилиб, лазернинг оптимал таъсир қуввати, таъсир экспозицияси ва тўқимага нисбатан йўналганлик масофаси аниқланди. Бу олинган натижалар асосида эса ўз навбатида беморларда қизилўнгач шиллик қавати эрозив-диспластик жараёнларини даволаш амалиётини бажариш имконини берди. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ бўйича буйруқ (29.08.2023й.; №747) билан марказ ва унинг ҳудудий филиаллари бўлимлари амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги билан беморларда таклиф қилинган комплекс (хирургик, лазерли ва консерватив) даволаш усули касаллик асоратларини эрта аниқлаш ва даво натижаларини яхшилашга имкон берди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: таклиф қилинган комплекс даволаш усули билан беморларнинг стационар шароитда даволаниши одатда умумий ўртача 9 724 000 сўмни (“Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ прејскурантига кўра) ташкил этади. Бу сумма ичига беморларнинг барча лаборатор-инструментал текширишлари, ўрин кунлари (бўлимда ва бир кун реанимация бўлимида бўлиши) дори-дармон ва операцияга кетган харажатлари киради. Агарда беморда гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги (онкологик) асоратлари, хусусан, Барретт

қизилўнгачининг аденокарциномага ўтиши ҳолати кузатилса, бундай ҳолатда ҳар бир беморнинг қўшимча олиб бориладиган комплекс давоси натижасида стационарда даволанишнинг умумий қиймати ўртача 12 316 000 сўмни ташкил этади. Эндоскопик текширувлар натижаси шуни кўрсатдики, қизилўнгач шиллик қаватидаги рефлюкс-эзофагит даражаларининг учраш кўрсаткичи ҳар иккала гуруҳ (асосий ва назорат) беморларида деярли фарқ қилмади ($p > 0,05$). Таклиф қилинган ИҚ-диодли лазерли нурлантириш усули орқали беморларда рефлюкс-эзофагитнинг асоратлари (Баррет қизилўнгачи) 12.5% дан 3.4% га ишонарли тушганлиги ($p \leq 0,05$) қайд этилди, бунда демак 1 нафар бемордан 2 592 000 сўм иқтисод қилинса, йиллик иқтисодий кўрсаткич 7 776 000 сўмни ташкил этади (3 нафар бемор учун). Хулоса: гастроэзофагеал рефлюкс касаллигини тавсия қилинган комплекс (оператив, лазерли, консерватив) даво усулини амалиётга жорий қилиниши 1 йилда 7 776 000 сўмни, шундан 2 566 080 сўм бюджет маблағлари, 5 209 920 бюджетдан ташқари маблағларини иқтисод қилиш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига «Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ» ДМ директори томонидан 29.08.2023 й.; №748 сонли хат юборилган;

қизилўнгач шиллик қаватидаги эрозив-диспластик ўзгаришларига қизилўнгач ичидан аниқ нурлантирувчи эндоскопик лазерли таъсир қилиш усули натижасида атрофдаги соғлом тўқималар нурланишининг ноҳўя таъсирини йўқотади ва ўтказиладиган муолажа вақтининг камайтиради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ бўйича буйруқ (29.08.2023й.; №747) билан марказ ва унинг ҳудудий филиаллари бўлимлари амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: эндоскопик текширув усулларида фойдаланиш ҳисобига 1 нафар беморда қайта амалиёт ўтказишдан 203 400 сўм (“Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ прејскурантига кўра) иқтисод қилинди (клиник тавсия этилган стандарт бўйича ҳар бир беморларда қайта эндоскопик аралашувлар йилига икки марта ўтказилади). Гастроэзофагеал рефлюкс касаллик билан кечган беморларда қизилўнгач патологияларини нурлантириш тери устидан ўзказилганда ўртача $16 \pm 0,22$ минут вақт сарфланса, тавсия қилинган эндоскопик қизилўнгач ичидан нурлантириш муолажасига ўртача $1,05 \pm 0,16$ минут вақт кетади. 58 нафар беморда ўтказилган муолажалар вақти 16 минутдан 1,05 минутгача камайтирилди (15 марта ўтказилиш вақти қисқарди). Шунда мазкур патологияли 1 нафар бемордан 203 400 сўм иқтисод қилинса, йиллик иқтисодий кўрсаткич 2 847 600 сўмни ташкил этади (14 нафар бемор учун). Хулоса: эндоскопик усулларида фойдаланишни амалиётга жорий қилиниши мазкур патологияли беморларда, 1 йилда 2 847 600 сўмни, шундан 939 709 сўм бюджет маблағлари, 1 907 892 сўм бюджетдан ташқари маблағларни иқтисод қилиш имконини берди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш

вазирлигига «Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ» ДМ директори томонидан 29.08.2023 й.; №748 сонли хат юборилган;

ИҚ-диодли лазер ёрдамида эндоскопик ва хирургик комплекс даволаш-диагностик алгоритми орқали гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги беморларни қизилўнгач шиллиқ қаватидаги патологик ўзгаришларни, шунингдек, хавфли онкологик касалликларга олиб келувчи патологияларни эрта аниқлаб, вақтида самарали даволашга эришилади ва юзага келиши мумкин бўлган асоратларни ривожланишининг олди олинади. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ бўйича буйруқ (29.08.2023й.; №747) билан марказ ва унинг ҳудудий филиаллари бўлимлари амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: лазер терапиясининг гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги асоратлари билан беморларда консерватив ва хирургик комплекс даволаш билан биргаликда қўллаш умумий даво натижаларини яхшилади ва асоратларни 12.5% дан 3.4% гача камайтирди. Шунингдек, тавсия қилинган даволаш усулидан кейин асосий шикоятлар: жиғилдон қайнаши 32,4% дан 12,8% га ($p \leq 0,05$), кекириш 35,2% дан 15,1% га ($p \leq 0,05$), эпигстрал оғриқлар 21,8% дан 6,3% га ($p \leq 0,05$) ишонарли тушганлиги аниқланди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: қуйидагича: таклиф қилинган комплекс даволаш усули билан беморларнинг стационар шароитда даволаниши одатда умумий ўртача 9 724 000 сўмни (“Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ прејскурантига кўра) ташкил этади. Бу сумма ичига беморларнинг барча лаборатор-инструментал текширишлари, ўрин кунлари (бўлимда ва бир кун реанимация бўлимида бўлиши) дори-дармон ва операцияга кетган харажатлари киради. Агарда беморда гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги (онкологик) асоратлари билан даволанганда, қўшимча текшириш усуллари, ўрин кунларининг кўпайиши ва операция хажмининг ошиши хисобига, умумий ўртача 12 316 000 сўм сарфланади.

Таҳлил натижасида мазкур тадқиқотнинг илмий-амалий натижаларини жорий қилиш ҳисобига 1 нафар беморда мазкур патологияларда ўртача 2 592 000 сўм тежаб қолинди. Таклиф қилинган даволаш-диагностик алгоритм натижасида гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги асоратларидан бўлган Баррет қизилўнгачи 10 нафар беморда аниқланган бўлиб, 12.5% дан 3.4% га, яъни 4 нафар бемордан бир нафаргача камайтирилди, демак мазкур ҳолатда ҳар бир нафар бемордан 2 592 000 сўм иқтисод қилинса, йиллик иқтисодий кўрсаткич 7 776 000 сўмни ташкил этади (3 нафар бемор учун). Хулоса: гастроэзофагеал рефлюкс касаллигини тавсия қилинган комплекс (оператив, лазерли, консерватив) даво усулини амалиётга жорий қилиниши 1 йилда 7 776 000 сўмни, шундан 2 566 080 сўм бюджет маблағлари, 5 209 920 бюджетдан ташқари маблағларини иқтисод қилиш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига «Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ» ДМ директори томонидан 29.08.2023 й.; №748 сонли хат

юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та ҳалқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий наشرларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда наشر этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг диагностика усуллари ва даволашнинг умумий принциплари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги билан беморларни замонавий ташхислаш ва даволаш илмий маълумотларнинг тўлиқ таҳлили, танқидий баҳолаш ва тизимлаштириш амалга оширилган. Бобнинг охирида ҳал қилинмаган саволлар ва муаммолар ҳақида фикрлар келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Клиник материалнинг, тадқиқот усуллари ва лазерли технологияларнинг тавсифлари**» клиник ва тажриба материалларига, шунингдек, қўлланилган усуллар маълумотлари келтирилган. Диссертация тадқиқоти икки йўналишга: тажрибавий-морфологик ва клиник тадқиқотларга бўлиниб, гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги билан беморларда қизилўнгач шиллиқ қавати патологик ҳолатларини замонавий эндоскопик ва хирургик давсида ИҚ-диодли лазер нурларини қўллаш орқали такомиллаштиришга асосланган. Тажрибалар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ нинг экспериментал хирургия бўлими ўқув марказида олиб борилди. Тажрибалар 42 та оқ зотсиз каламушлар ва 3 та чўқаларда ўтказилди. Тадқиқотларимизнинг клиник қисмига 2021 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ ва Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси поликлиника-диагностика бўлимларига гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг II-IV даражали рефлюкс-эзофагит асорати билан мурожаат қилган 154 нафар беморларнинг эндоскопик ва хирургик даво натижалари киритилган.

Барча беморлар икки гуруҳга бўлинган. Таққослаш гуруҳига 96 нафар беморлар киритилиб, уларга анъанавий даво усуллари: консерватив терапия ва антирефлюкс (Ниссен ёки Тупе бўйича фундопликация ва б.) операциялар бадарилган. Асосий гуруҳни 58 нафар беморлар ташкил қилиб, уларга лапароскопик фундопликация, консерватив даво ва ИҚ-диодли лазерли нурланишларни ўз ичига олувчи комплекс даво қилинган. Беморларни ёши 19 дан 82 ёшгача бўлиб, ўртача ёш назорат гуруҳида $57,3 \pm 12,4$ ёш, асосийда – $54,1 \pm 14,1$ ёшни ташкил қилди.

Беморларда эндоскопик текширишлар «FUJINON» FUJIFILM System 2500 Processor (Япония), шунингдек, NBI режимида текшириш имкониятига эга «Olympus» (Япония) фирмаларининг эндоскопларида ўтказилди. Қизилўнгач ичи лазерли нурлантириш мақсадида “Лахта-милон” фирмасининг ИҚ-диодли лазер аппаратидадан фойдаланилди.


Диссертациянинг учинчи боби **“ИҚ-диодли лазернинг қизилўнгач шиллик қаватига таъсир механизмини тажрибавий-морфологик асослаш”** деб номланиб, тажрибавий текширишлар натижалари келтирилган. Тажрибалар оқ зотсиз каламушлар ва чўчқалар устида бажарилган.

Тажрибаларнинг биринчи босқичининг вазифаси ИҚ-диодли лазер нурларнинг қизилўнгач шиллик қаватига самарали дозаси ва таъсир вақти, шунингдек, тўқимага нисбатан таъсир қилиш масофасини ўрганишдан иборат. Тажрибага ўртача вазни 200-250 гр бўлган зотсиз оқ каламушлар олинган. Барча операциялар Sevofluran эритмаси ёрдамида ингаляцион наркоз остида олиб борилди.

Биринчи тажрибага 16 та каламуш олинган (8 та асосий ва 8 та назорат гуруҳидаги каламушларга). Асосий гуруҳдаги каламушларга гастротомик кесма орқали ИҚ-диодли лазер қурилманинг световоди киритилиб, қизилўнгач пастки учлигида шиллик қаватига 2 секунд вақт мобайнида 0.5 см масофада 5 Вт ва 7 Вт кучланишда, 212 Дж энергияли, 970 нм нурланиш тўлқин узунлигида лазерли таъсир берилди. Назорат гуруҳидаги каламушларнинг қизилўнгач пастки учлигида шиллик қаватига юқоридаги кучланишдаги лазер нурлари контакт йўли билан амалга оширилди. 7-кунда асосий гуруҳдаги каламушлар қизилўнгачи шиллик қавати макроскопик ўзгаришларсиз. Назорат гуруҳидаги ҳайвонлар қорин бўшлиғи очиб кўрилганда, битишмали жараён аниқланиб, иккала кучланишдаги лазер нурлари таъсир қилган каламушлар қизилўнгачи шиллик қаватда бироз шиш ва 7 Втли контакт таъсири кўрсатилган ҳолатда майда некроз ўчоқлари аниқланади.

Иккинчи тажрибаларга ҳам 16 та каламуш тайёрланган (8 та асосий ва 8 та назорат гуруҳлари учун). Асосий гуруҳдаги каламушларга қизилўнгач пастки учлиги шиллик қаватига 4 секунд вақт мобайнида 0.5 см масофада 5 Вт ва 7 Вт кучланишда, 212 Дж энергияли, 970 нм нурланиш тўлқин узунлигида лазерли таъсир берилди. Назорат гуруҳидаги каламушларга юқоридаги кучланишдаги лазер нурлари контакт йўли билан амалга оширилди. Операциядан кейинги 5-кунда асосий гуруҳ каламушларида ҳам юқоридаги ўзгаришлар аниқланди. Назорат гуруҳи иккала ҳайвонларида жигар, меъда ва қизилўнгач орасида


битишма кузатилиб, ажратилганда, қизилўнғач пастки қисмида перфоратив тешик аниқланади. Тажрибанинг 7-кунида иккала гуруҳ каламушларида қорин бўшлиғида битишмалар ва чегараланган йирингли жараёнлар аниқланди. Битишмалар ажратилганда, қизилўнғач пастки учлиги қисмида 0,2x0,1 см перфоратив тешик аниқланади. (1-расм)



1-расм. а. Каламуш жигари, меъда ва қизилўнғачи орасида битишмали жараён. б. қизилўнғач пастки қисмида перфоратив тешик.

Тажрибамизнинг кейинги босқичида қизилўнғач пастки учлиги шиллик қаватида механик таъсирот натижасида эрозия ҳосил қилинди. Тажрибалар 10 та каламуш (5 та асосий ва 5 та назорат гуруҳи) устида олиб борилди. Асосий гуруҳдаги каламушларга қизилўнғач пастки учлиги шиллик қаватида 2 секунд вақт мобайнида 0.5 см масофада 5 Вт кучланишда, 212 Дж энергияли, 970 нм нурланиш тўлқин узунлигида лазерли таъсир берилди. Назорат гуруҳидаги каламушларга юқоридаги кучланишдаги лазер нурлари контакт йўли билан амалга оширилди. Тажрибанинг 3 ва 5-кунларида асосий гуруҳ каламушлари қизилўнғачи ўзгаришсиз, шиллик қаватида шиш сақланган. 7 ва 14-кунларда шишнинг камайиб, йўқолганлиги аниқланади.

Назорат гуруҳидаги каламушларда тажрибанинг 3-кунида жигар меъда ва қизилўнғачга ёпишиб, битишма ҳосил қилган. 5-кунда битишмаларга катта чарви ва ингичка ичаклар ҳам қўшилган. Битишмалар ажратилганда, бадбўй хидли маҳаллий перитонит ривожланган, қизилўнғач пастки учлиги қисмида 0,2x0,1 см перфоратив тешик аниқланади (2-расм). 7 ва 14-кунларга эвтаназияга сақланган каламушлар 6-кунда нобуд бўлишди. Қорин бўшлиғи кўрилганда, иккала ҳайвонларда ҳам тарқалган йирингли перитонит аниқланади.




2-расм. Қизилўнғач пастки учлигида перфоратив тешик (а) ва перитонит (б).

Тажрибаларимизнинг 2-босқичида чўчқалардан фойдаландик. Бунинг учун 3 та 5-6 ойлик, 30-32 кг вазнга эга зотсиз чўчқалар тайёрланган. Ҳайвонлар икки гуруҳга бўлинган. Асосий гуруҳда 2 та чўчқа олиниб, уларнинг қизилўнгачи эрозив ва оддий шиллик қаватига турли кучланишли ИҚ-диодли лазер нурларининг таъсири ўрганилди. Назорат учун битта чўчқа олиниб, унда шиллик қаватида эрозияшакллантирилиб, лазер таъсирисиз ҳолатини динамикада кузатдик. Барча тажрибалар умумий интубацион наркоз остида ўтказилиб, ҳайвон ухлагача, қизилўнгачига эндоскоп киритилди. Қизилўнгач Z-чизиқдан 2 см проксимал соҳада қисқичлар ёрдамида 0.3-0.5 смли эрозия шакллантирилди. Эндоскопнинг инструментал канали орқали лазер аппаратнинг световоди киритилди. 1-ҳайвоннинг эрозив шиллик қаватига импульсли режимда 2 секунд вақт мобайнида 0.5 см масофада 7 Вт кучланишда, 212 Дж энергияли, 970 нм нурланиш тўлқин узунлигида лазерли таъсир берилди. Натижада 1.0x1.0 смли оқ рангли, марказида 0.3x0.4 смли тўқ рангдаги шишли доира ҳосил қилинди. Лазерли нурланишнинг таъсирини ўрганиш мақсадида эрозиядан 2-3 см проксимал соҳада оддий шиллик қаватга юқоридаги кучланишдаги лазер нури таъсир қилинди. 2-чўчқага ҳам юқоридаги лазерли муолажалар 9 Вт кучланиш бажарилди. 3-чўчқанинг шиллик қаватида эрозия шакллантирилиб, лазерли таъсир берилмади. Динамикада 3, 7 ва 14 кунларда ҳайвонларнинг эндоскопик текширилиши ва биопсия олиниши ўтказилди.

3-кунда илк эндоскопик текширишда 1-ҳайвонда эрозив шиллик қаватнинг шиши 1,5x1,5 смга катталашган, ранги тўқ пуштирангга ўтган, қон кетиш белгилари йўқ. Юқорироқдаги оддий шиллик қаватда ҳам шиш 1,0x1,2 смга катталашган. 2-ҳайвон эрозив шиллик қаватидашиш 1,5x2,0 смга катталашиб, тўқ-пушти рангда, юзаси енгил парда билан қопланган, қон кетиш белгилари йўқ. Оддий шиллик қавати соҳасида ҳам шиш 1,5x1,5 смга катталашган. 3-ҳайвон (назорат) қизилўнгачи эндоскопик кўрилганда, эрозия соҳаси 1,0x1,0 смга кенгайиб, қизғиш рангга кирган, қон кетиш белгилари йўқ.

Тажрибанинг 7-кунида ҳайвонлар эндоскопик кўрилганда, 1-чўчқада эрозив соҳали шиллик қаватда шиш 0.8x1.0 смга кичрайган, оч пушти рангда. Оддий шиллик қавати соҳасида ҳам шиш 0,5x0,5 смга кичрайган. 3-ҳайвонда (назорат) суст динамик ўзгаришлар кузатилиб, эрозив соҳада шиш 0,7x0,8 смга кичрайган. 2-ҳайвонни умумий аҳволи ёмонлашуви ва вазн йўқотиши сабабли эвтаназия қилишга келишилди. Ревизияда, қизилўнгач ташқи томондан ўзгаришсиз, одатдаги рангда (3.а-расм), кесиб кўрилганда, эрозив соҳа шиллик қаватида 1,5x1,5 смли шиш сақланган, кучли ривожланган перифокал яллиғланишли вал ва марказида некроз ўчоқлари бўлиб, жараён шиллик ости қаватигача чуқурлашганлиги аниқланади (3.б-расм).


Тажрибанинг 14-кунида 1-ҳайвоннинг эрозив шиллик қавати ўрнида нуқтали ўзгаришлар сақланган, оддий шиллик қават соҳаси тўлиқ битган. 3-ҳайвон (назорат) қизилўнгачи эрозив соҳасида ўзгаришлар 0,5x0,5 смга кичрайганлиги, лекин ҳали битмаганлиги аниқланди.




3-расм. 2-чўчка қизилўнгачининг ташқи (а) ва ички(б) томондан кўриниши.

Диссертациянинг “Тажриба шароитида ИҚ-диодли лазернинг қизилўнгач шиллик қаватида таъсирини морфологик ўзгаришларини баҳолаш” номли тўртинчи бобда тажрибавий ҳайвонларда қизилўнгач пастки учлигида ҳосил қилинган “эрозияли” шиллик қаватида 2 секунд вақт мобайнида 0.5 см масофада каламушларда 5 Вт ва 7 Вт ҳамда чўққаларда 7 Вт ва 9 Вт кучланишда берилган лазерли нурлар таъсирни қиёсий морфологик таққослашлар ўрганилган. Олинган биоматериаллар 10% ли формалиннинг фосфатли буфер эритмасида эритмасида фиксацияланди. Парафин бўлаклари гематоксилин ва эозин билан бўялди. Ёруғлик-оптик микрорасмлар рақамли камера ва компьютер билан бирлаштирилган “DN-300M” микроскопида олинган.

Тажрибанинг 3 кунида лазер кучланишининг 7 Вт ли таъсири текширилувчи гуруҳда пролифератив яллиғланиш жараёни белгилари устунлик қилди. Бунда барча қаватда бириктирувчи тўқима қатламининг хаотик (тартибсиз) ўзгаришлари тартиблашиши, томирлар деворининг қалинлашуви, турли шаклда кенгайишлари (дилатацияси), тўлақонлиги (стаз) кузатилади. Қизилўнгач ташқи-сероз (адвентиция) қатламида нейтрофил-лимфоцитли ўчоқли инфильтрацияси кузатилади (4-расм). 5 Вт ли лазер кучланишли тажриба каламушларида асосан яллиғланишнинг пролифератив жараёни устунлик қилди. Бунда зарарланган (“эрозияли” шиллик қават соҳаси) қатламларда фибробластлар яққол ҳосил бўлган. Тажриба чўққаларида бу каби ҳолат лазер кучланишнинг 9 Втли таъсирилантирилган гуруҳига нисбатан 7 W ли таъсири текширилувчи гуруҳида яққол намоён бўлди (5 расм).



4-расм. Тажриба каламушлари қизилўнгачининг КЭЎ соҳаси.



5-расм. Тажриба каламушлари қизилўнгачининг КЭЎ соҳаси.

Бу белгилар асосан 3-кунда бошланиб, 7 кунда яққол намоён бўлади. Кузатишларимиз бўйича, тажриба каламушларида лазернинг 5 Вт 212 Дж энергияли таъсири ижобий бўлган бўлса, тажриба чўчқаларида 7 Вт 212 Дж энергияли таъсир ўз биофотоэффектиликни кўрсатди.


Диссертациянинг бешинчи бобида **“Қизилўнгач шиллик қавати яллиғланишли ва диспластик ўзгаришларини комплекс даволашда ИҚ-диодли лазерни қўллаш таҳлили”** ўтказилган. Дастлаб, гастроэзофагеал рефлюкс касаллигида қизилўнгач шиллик қаватида эрозив-диспластик ўзгаришларни аниқлаш мақсадида оддий ва тор спектрли (NBI) режимли турли эндоскопик текширишларнинг дифференциацияси ўтказилган. 5.2-кичик бобда тавсия қилинган ИҚ-диодли лазер билан даволаш усули ёритилган. Тадқиқотларга 154 нафар (87 эркак ва 67 аёл) беморлар киритилган бўлиб, уларда гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг асорати ҳисобланган II-IV даражали рефлюкс-эзофагит аниқланган. Беморлар рефлюкс-эзофагитнинг Savary-Miller классификациясига асосан тақсимланиб, улардан рефлюкс-эзофагитнинг II даражаси – 107 (69,5%) тасида, III даражаси – 23 (14,9%) ва IV даражаси – 24 (15,6%) нафар беморларда аниқланган. Беморларнинг 103 (66,9%) нафарида диафрагма қизилўнгач тешиги чуррасининг турли шакллари аниқланган.

Ўтказилган даволаш усулларида кўра беморлар 2 гуруҳга ажратилди. Беморларнинг 96 таси таққослаш гуруҳини ташкил қилиб, уларга а) консерватив даво (n=38) ва б) консерватив терапия+антирефлюкс операциялар (n=58) ўтказилган бўлса; асосий гуруҳ беморларига (n=58): а) консерватив терапия ва ИҚ-диодли лазерли нурлантириш (n=13) ҳамда б) операция, консерватив терапия и ИҚ-диодли лазерли нурлантириш (n=45) даво муолажалари бажарилган.

